

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 2-NOYABR ■ SESHANBA ■ 130 (27.305) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

инсонпарварлик ва демократия ғояларини, инсон ҳуқуқларини, меҳнат аҳли ва аҳолининг ижтимоий ночор табақалари манфаатларини ҳимоя қилишни ўз фаолиятининг асосий йўналишлари деб билади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 ноябрь кун Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) амалдаги раисининг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаари билан қабул қилди.

Ўзбекистон ушбу ташкилот билан ҳамкорлик алоҳида эътибор билан қарайди. ЕХТ билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказилган. Ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан далolatдир. Жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, наркотикларнинг ноқонуний савдоси муаммоларига бағишланган анжуманлар, чегара ва боғжона хизмати ходимлари учун семинарлар ташкил этилди.

Ўзбекистон ва ЕХТ ўзаро ҳамкорликда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, қурол-яроқ савдосига қарши курашиш, террорчилик ва уни молиялаштиришнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Иқтисодий тараққиёт ва экология масалалари билан шугулланиш ҳам ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ташкил этади. Ўзбекистонда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш ҳамда аҳолини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига кенгроқ жалб этишга қаратилган бир неча лойиҳа амалга оширилди.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг бугунги аҳоли таҳлил этилиб, келгусида уни ҳар томонлама ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЕХТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАШРИФИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА муҳбири Фазлиддин АРЗИЕВ). Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) амалдаги раисининг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаари раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Содиқ Сафоев билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон — ЕХТ муносабатларининг бугунги аҳоли, истиқбол, минтақамиздаги вазият,

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтириш шахсий вакил олдидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Учрашувда таъкидланганидек, унинг бу галдаги ташрифи Ўзбекистон ва ЕХТ муносабатларини янги поғонага кўтариш ва янада фаоллаштириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларда ёшлар иштирокини кўнатириш муҳим вазифалардан биридир.

Тошкент Банк коллежиди Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари билан «Сайлов ва ёшлар» мавзуда бўлиб ўтган учрашув ана шу эзгу мақсадларга қаратилди. Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов, Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ойина Мусурмонова

ва ёшларга икки палатали парламент ҳамда унинг асосий вазифалари ва сайлов қонунчилиги тўғрисида батафсил тушунча берди. Шунингдек, улар партия дастурини қўйилган асосий муаммолар, вазифалар ва уларнинг ечими тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишди.

Учрашув сўнггида йиғилганларга Ўзбекистон Халқ шоири Нормурод Нарзуллаев Ватан ҳақидаги янги шеърларидан ўқиб берди.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 2 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	782,21	1 Польша злотийси	309,99
1 Англия фунт стерлинги	1921,51	1 СДР	1569,01
1 Дания кронаси	180,05	1000 Туркия лираси	0,71
1 БАА дирхами	285,02	1 Швейцария франки	874,20
1 АКШ доллари	1046,86	1 ЕВРО	1337,15
1 Миср фунти	168,04	10 Жанубий Корея вон	9,38
1 Исландия кронаси	15,17	10 Япония йенаси	98,62
1 Канада доллари	859,07	1 Россия рубли	36,39
1 Хитой юани	126,49	1 Украина гривнаси	197,28
1 Малайзия рингити	275,53		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



«КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ, ҚАРСАКЛАР ЧАЛИБ ОЛҚИШЛАНГ!»

30-31 октябрь кунлари Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган IV халқаро турнир, кураш бўйича ёшлар ўртасида III жаҳон биринчилиги ҳамда белбоғли кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди



Суратда: Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир ғолиблари шоҳсупада. (Чандан иккинчи ўрин соҳиби бразилиялик Карлос Донато, турнир ғолиби Абдулла Танриев, учинчи ўрин эгалари ўзбекистонлик Рамзиддин Саидов ва эронлик Хусрав Нежед)

Қашқадарёда қувончлар қувончларга, тўйлар тўйларга уланиб кетган шу кунларда улкан кураш байрамининг ўтказилишида мантиқий асос бор. Бу йил қашқадарёликлар мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажардилар. Юртбоши табриги, эътирофига сазовор бўдилар: «...Мен қашқадарёликларнинг мардлиги, қийинчиликларда тоблангани, ор-номуслигини, сўзида қатъий туриш, юртидан фахрланиш фазилатларини ўз тажрибамдан яхши биланман ва юксак қадрлайман».

Ушбу самимий сўзларни ўқир эканмиз, ҳаёлимиздан бир фикр ўтади. Аслида полвонни майдонга нима етказиб қандай? Ор-номус, қатъийлик, юртидан фахрланиш тўғрисида эмасми? Шундан бўлса керак қўнча ва ҳаммаша навқирон Шахрисабз, мард ва жасур ҳар бир қашқадарёлик ўзбек кураши бўйича ўтказилган жаҳон мусобақаларига мезонлик қилишни шараф деб билади. Аслида ҳам шодиёналар, байрам ва тўйлар тинч, тўкин элга ярашади...

30 октябрь. Шаҳар марказидаги «Хисор» ўйингоҳи кураш муҳлисларининг ҳаяжони, ҳайқирғи оқшларига тўлди. Ёшлар ўртасида III жаҳон чемпионатининг очилиш маросими том маънода катта спорт байрамига айланиб кетди. Унда ҳозир бўлган Қашқадарё вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев, Маданият ва спорт ишлари вазир Алишер Азизхўжаев, Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комилдон Юсуповлар мусобақа қатнашчиларига омад тилашди. Номдор спортчилар халқаро анжуман байроғини кўтаришди, юртимиз мадҳияси янгради.

4-6ет

ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Наманган, Сурхондарё вилоят, Янгиер, Термиз шаҳар, Сирдарё, Оқолтин, Бобўят, Мирзаобод, Сардоба, Ховос, Хонка, Наманган, Мингбулоқ, Учқўрғон, Поп, Норин, Олтинсой, Бойсун, Галларол туман кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Пленумларда партия ташкилотларининг сайловолди ҳаракатларини муҳокама қилиниб, қатор вазифалар белгиланди ҳамда тегишли партия кенгашларидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига номзодлар кўрсатилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

НОМЗОД КЎРСАТИШ — МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ

Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг II пленумида бу масала алоҳида таъкидланди

Пленумда асосий эътибор халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига номзодлар кўрсатишга қаратилди.

— Утган давр мобайнида бошлангич партия ташкилотлари, шаҳар ва туман кенгашларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодларни танлаш бўйича катта сиёсий, ташкилий

ишлар амалга оширилди, — деди ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби Камолбой Исобеков ўз маърузасида.

Шундан сўнг, сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гавҳар Худойбердиева, вилоят «Нуроний» жамағатис раиси Ҳасан Нормуродов ва бошқалар ушбу сиёсий

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади: Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2004 йил 2 декабрь кун Тошкент шаҳрида чакрилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри, 2004 йил 1 ноябрь

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ МУҲОКАМАСИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛИШИ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўтилаётган иқроси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси тўғрисида.
3. «Фуқароларнинг жағғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
4. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
6. «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзо-

7. «Муҳофаза этилдиغان табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. «Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
9. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун қўжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
10. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

ЕХТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Буритош Мустафоев 1 ноябрь кун Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) амалдаги раисининг шахсий вакили Мартти Ахтисаари раҳбарлигидаги ЕХТ делегацияси аъзолари билан учрашди.

Мамлакатимизда шу йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтажак сайловларга қизғин тайёргарлик қўрилаётгани таъкидланди. Икки палатали парламентнинг илк сайловига тайёргарлик доирасида Марказий сайлов комиссияси томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

М.Ахтисаари Ўзбекистонда бўлажак сайловларга ташкилий-молиявий жиҳатдан айнама пухта тайёргарлик қўрилаётганини эътироф этди. Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ёритиш учун оммавий ахборот воситаларига тегишли шарт-шароит яратилаётганини қўллаб-қувватлашини айтди. Бўлажак сайловларда ЕХТ қузатувчилари миссиясига қўмаклашишга тайёргарлик учун Ўзбекистон томонига ўз миннатдорлигини изҳор қилди.

Мулоқот чоғида сайлов комиссиялари фаолияти, сайлов кампанияси жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида ошқора ёритилиши, эркин ва демократик сайловлар ўтказишда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ўрни ва аҳамиятига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)



**ПАРЛАМЕНТНИНГ
КУЧ-ҚУВВАТИ, САЛОҲИЯТИ
ЭРТАГА КИМЛАР ДЕПУТАТ
БЎЛИШИГА, КИМЛАР
ДЕПУТАТ БЎЛИШИ ЭСА
ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ
ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗНИ
ҚАЙ ДАРАЖАДА
АНГЛАШИМИЗГА БОҒЛИК**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

ШАҲАР КЕНГАШИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг II пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия ташкилотининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар билан боғлиқ вазифалари кўриб чиқилди.

Пленум Тошкент шаҳар партия ташкилоти сайловолди дастурининг асосий сиёсий устуворликларини аниқлади. Партия сайловолди платформасининг якуний

матни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бўлажак IV курултойида қабул қилинади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш пленум кун тартибидидаги муҳим масала бўлди. Тавсия этилган номзодларнинг мутлақ кўпчилиги тегишли туман партия ташкилотлари томонидан киритилган, партия фаоллари билан муҳокама қилинган. Пленум иштирокчилари кўрсатилган номзод-

ларни яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Пленумда яқин мuddатдаги вазифалар ҳам аниқланди, депутатликка номзодлар ва уларнинг сайлов командаларини жойларда сайловолди кампаниясини ташкил этишнинг амалий кўникмалари билан қуроллантириш йўли-йўриқлари ишлаб чиқилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л.Фулмонов маъруза қилди.

Бехрод ШУКУРОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HAMKOR!

Тел: 132-25-51, 133-46-61, Факс: 133-20-74
WWW.tshbim.uz E-mail: info@tshbim.uz va Bija@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!

Тел: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Факс: 136-76-22.
WWW.alobank.uz E-mail: info@alobank.uz

Хизматлар лицензияланган

Партия фаоли: сайловолди интервью

«САЙЛОВ АДОЛАТЛИ ҲАМ ҲАҚИҚАТИЙ ИШОНАМАН...», дейди ҲХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ҳамро ЭРМАТОВ

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтadиган сайловлар мамлакатимиздаги сиёсий партиялар учун катта синов ҳисобланади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби, фалсафа фанлари номзоди Ҳ.ЭРМАТОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.



уйнашлари мумкин. Аммо юристлар ҳам ҳар хил бўлади. Профессорларча ўз соҳасини эгаллаб олган инсонлар учун бу даргоҳ ҳам очик бўлиши керак.

Ҳўш, профессионал парламент аъзоси бўлган депутатларга қандай талаб қўйилиши керак? Бунинг учун энг аввало қонуннинг ўзи нима? — деган саволга жавоб беришимизга тўғри келади.

Қонун — бу фалсафий маънода реал дунёнинг у ёки бу объектлари яъни «табиат — ҳақиқат — инсон» занжирининг энг зарурий аҳамиятга эга бўлган алоқалар ва ички муносабатлари ўзидан акс эттирувчи категориядир.

Юридик маънода қонун — бу ҳуқуқий норматив ақдлар, қондалар мажмуаси бўлиб, у давлатнинг Олий қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинади. Демак, у ҳаётдаги энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларни ўзидан тўла акс эттириши лозим.

Энди айтинг-чи, ушбу кенг қамровли муносабатларни аввало ўз сиймосида муҳимасамлаштириш керак, билими, савияси, дунёқараши юксак инсонлар бўлажак сайловда парламент аъзоллигига даъвогарлик қўла маъқул эмасми? Шу нуктага назардан профессорлар депутат учун иқтисод, сиёсат, тарих, фалсафа, фан, маданиятни чуқур эгаллаш билан биргаликда ҳаётнинг ўта нозик муносабатларини ҳам билиш талаб этилади, албатта.

Профессионал депутат учун катта ҳаётий билим ва тажриба зарур. Профессорлар парламентда яратилажак қонунларда булар албатта ўз аксини топиши керак.

Афсуски, ҳозир депутатликни орзу қилаётган одамларнинг аксарияти юқоридаги фикрлардан анча йироқ. Масалан, яқинда депутатлик креслосини орзу қилиб юрган бир киши билан суҳбатлашганимда, у мутлақо тортинмай депутатлик имтиёзидан фойдаланишни, шу билан ижтимоий турмушдаги ўз камқўстлини тузатиб олишни, «депутат», — деган «обрў»га эга бўлишни айтиди. Буларни айтишдан уялмайди ҳам. Аммо мен каттиқ уялдим ва афсусландим! Аммо начора, бу бор гап...

Шаҳар, туман, вилоят кенгаши депутатликка сайланишнинг ўзи ҳар бир инсон учун катта ишор. Олий Мажлис депутати бўлиш эса янада юксак мартабадир. Ўз минглаб киши ўз вақили сифатида унга умид ва орзуларни боғлайди. Бу юксак ишончга муносиб бўлаолмаган кишининг вижиди ўз-ўзиндан қийналиши керак.

Сўзбасдуш:
Абдурашул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Қадрият — ўзликни англаш

Ривоятларга қараганда, эраимдан олдинги III асрда юртимизга бостириб келган Искандар Зулқарнайн қимматбаҳо матолардан тикилган шоҳона либос ўрнига маҳаллий аҳолининг кийимларини кийишни афзал қўрган. Сарқарданнинг бу ҳаракатидан хайратга тушган аёллари «Нега бундай қилдингиз?» — деб сўрашганида, у: «Мен маҳаллий халқнинг кийимини кийганда ўзимни янада буюроқроқ ҳис қиламан, уларда ўзгача ҳосият бор», — деб эътироф этган экан...

Тўғри, бу — бир афсона. Аммо узоқ ўтмишда, ҳали кўпчилик маданият нималигини тузуроқ англаб етмаган даврдаёқ, аждоқларимиз юксак дид ва маҳорат билан тикилган, ҳатто санъат асари даражасига етган кийимлар кийишган. Археологик қазималардан топилаётган нодир ашёлар, Афросиёб деворларига бундан ўз минг йил олдин чирилган суратлар айнан шундан далolat беради. Эки Фарғонанинг Қувасой шаҳрида топилган, минг йиллар аввал ясалган минг қўнғир, мўъжаз шиша ва мис идишлар-чи?

Қарангки, инсоният ибтидоий даврни бошдан кечирётган бир паллада бу ерлик аёллар ула-эликдан, замонавий тип билан айтанганда, пардоз буюмларидан фойдаланган экан. Далварзипела каби юртимизнинг қадим ғўшларидан топилаётган олтун, кумуш ва қимматбаҳо маъданлардан тайёрланган тақинчоқлар мукамаллиги, нафислиги билан инсониятни ҳамон хайратга солади.

Эраим бошларида

юртимизга келган сайёҳлар миллий кийимларимизнинг ўзига ҳослиги ва бетакрорлигини кўриб лол қолишган. Умуман, бу ҳақда истаганча гапириш мумкин. Ўзбек бекасма тўни, Чуст, Андижон, Кўкон, Марғилон нуска дўппилари, аёлларнинг либосларини тикиш, дарҳақи-



МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР

кат, одамдан юксак маҳорат, шу билан бирга чеварлик илмларидан ҳам аҳлиғина хабардор бўлиши талаб этилади. Миллий либосларимиз ҳақида ёзилган кўпгина илмий-оммабоп китобларда уларнинг бошқа халқларникига ўхшамайдиган айрича хусусиятига урғу берилди.

Хорижий мамлакатларда дўппи кийган одамни қўрсанг, юрагинг ҳақиқатини кетеди, чунки дўппи миллатимизнинг рамзига айланган бўлган. Унинг тарихи, турлари, у билан боғлиқ ривоятлар, афзалликлари-ю иқлимимизга мослиги ҳақида айтилган, ёзилган гаплар қанча. Дунёнинг бошқа мамлакатларида камалдек ранг-баранг, ҳар қандай аёлни бир зумда маликага айлантириб қўйдиган атлас деган мато бормикин?! Сурхон келтириб чиқариши мумкин. Бизнинг нисбатан иссиқ иқлим шароитимизда турли кийимлар кийиш табиий ҳолатлардан келиб чиқиб амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Нисбатан совуқроқ минтақалар, масалан, Евро-

миллатнинг узоқ йиллик анъаналари, орттирган бой тажрибаси юксак санъаткорона диди акс этади. Зеро, бирон-бир халқнинг унинг фақат ўзига ҳос миллий кийимларисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳинд деганда беихтиёр кўз ўнгимизга сариға уранган ҳинд аёли келгани ёки японни кимоносиде тасаввур қилиб бўлмаганидек, миллий кийим халқнинг қадриятлари билан биргаликда ўша халқнинг табиий иқлимга мослашганидан далolat беради.

Фанда қайд этилишича, қуёшнинг ультрарадиация нурлари инсон танасидидаги ҳужайраларнинг бўлиниб, кўпайишига ёрдам беради. Лекин организмнинг уларни керагидан ортиқ қабул қилиши офтоб уришига олиб келади. Бу ҳолат эса тери ракин келтириб чиқариши мумкин. Бизнинг нисбатан иссиқ иқлим шароитимизда турли кийимлар кийиш табиий ҳолатлардан келиб чиқиб амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Нисбатан совуқроқ минтақалар, масалан, Евро-

пада инсон жисми ўзига керакли қуёш қувватини олиш учун ёз ойларида сунъий тобланиши талаб этади. Бу уларнинг кийиниш маданиятига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Афсуски, мустабид тузум даврида миллий кийимларимизга феодализм сарқити сифатида қараб келинди. Одамлар дўппи, чопон кийишга, румол ўрашга чўчиб қолди. Талабалар ичиде ҳамини майда уриб юрадиган қизлар камситилди. Минг йиллик қадриятларимиз оёқ-ости қилинди. Одатда, миллий кийимларимиз ўзига ҳос тарзда кўз-кўз қилинадиган Наврўз байрами, Рамазон ва Қўрбон ҳайитлари тақдирланди.

Ҳаттоки, ўз тарихидан номус қиладиган янги қавм ҳам шакллантирилди. Таъбир жоиз бўлса, Чуст ва Марғилон дўппилар бошлардан қувилди. Улар фақат айрим маросимларда, таъзия маъракаларида кийилган кийим бўлиб қолди. Ҳатто, дўппи кийган кишига, тинчликчи ўзи, бирор кишининг оламдан ўтдики, дейдиган бўлди.

Сайловлар тўғрисида саволнингиз борми?

СЕНАТ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДЛАРГА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР БОР?

ЭХДУС ПАЛАТАЛАРНИНГ БОШ ҚОИДАСИ НИМА?

«Сенат аъзолигига номзодларнинг ёшига нисбатан қандай талаблар қўйилади?»

Дилбар ЮСУПОВА,
Тошкент Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

— Сенат аъзолигига номзодларнинг ёшига нисбатан чиндан ҳам баъзи талаблар бор. Масалан, номзод сайлов кунига қадар 25 ёшга тўлган ва мамлакатимиз ҳудудида камда 5 йил муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши керак. Уларга муайян ёш белгилари қўйилиши табиий. Чунки юқори палатанинг ўзига ҳос хусусияти бор. Масалан, Сенат аъзоси мамлакат аҳамияти даражасидаги амалий тажрибасига эга, эл-юрт ҳурмати, эътибори ва ишончли қозонган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан бохабар бўлиши лозим.

Чет эл мамлакатларида Сенат аъзолигига номзодларнинг ана шу талабларига алоҳида эътибор берилди. Чунки, Туркия ва Италияда Сенат аъзолигига номзод сайлов кунига қадар 40 ёшда бўлиши лозим. АКШ, Ҳиндистон, Японияда — 30, Бразилия ва Францияда 35 ёш талаб қилинади...

Сенат фаолиятининг мазмуни эса ҳудудий манфаатларга асосланади. Шу боисданки, ҳар бир палата (уларнинг аъзолари) ўз ваколатларини амалга оширишда мустақил иш олиб боради. Демак, айна бир шахс бир палатинг ўзиде — ҳам Қонунчилик палатаси депутати, ҳам Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Палаталарнинг тўлиқ ҳуқуқий мақоми, яъни уларнинг ваколатлари, фаолият қўрсатиш тартиби ва ҳокимият органлари тизимида турган ўрни ҳамда бошқа давлат органлари билан бўладиган муносабатлари мавжуд Конституциянинг Қонун асосида қабул қилинадиган Конституцияга ўзгартириш киритувчи моддалар, Қонунлар, қонунчи ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

Жавобларни тайёрлашда Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси, ҳуқуқшунос Тонтир АҲМЕДОВ кўмаклашди.

Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Палаталарнинг тўлиқ ҳуқуқий мақоми, яъни уларнинг ваколатлари, фаолият қўрсатиш тартиби ва ҳокимият органлари тизимида турган ўрни ҳамда бошқа давлат органлари билан бўладиган муносабатлари мавжуд Конституциянинг Қонун асосида қабул қилинадиган Конституцияга ўзгартириш киритувчи моддалар, Қонунлар, қонунчи ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

Жавобларни тайёрлашда Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси, ҳуқуқшунос Тонтир АҲМЕДОВ кўмаклашди.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ҳаётиндан

ҚИСКА САТРЛАРДА

Қўнғирот туманидаги «Темир йўл» сайлов округи ҳудудий партия ташкилотиде аҳоли вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси Оролбўйи бўлими бошлиғи, ХДПдан туман Кенгаши депутати К.Нуриллаев, Қўнғирот туман партия кенгаши биринчи котиби М.Шамуратов ва бошқа фаоллар сайловолди жараёнида, икки палатали парламент ҳақида гапириб бердилар. Шунингдек, улар Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши ҳақида ҳам ўқитилиб ўтдилар.

Тўқ Сирғали туман кенгаши «Тошкент магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш» бошқармаси ходимлари билан бўлажак сайловларнинг ҳолати, фуқароларнинг сайловдаги ҳуқуқ ва бурчларига бағишлади «давра суҳбати» ташкил қилди.

Ил бошида мазкур партия кенгаши ўзининг «Меҳр ва муруват йили» давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифалари режасини ишлаб чиққан эди. Шунга мувофиқ қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Яқинда туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда 70 га яқин отахон-онахонлар, партия фахрийларининг «Занги ота» зиёратгоҳига ташириш уюштирилди. Зиёратдан сўнг ифторлик маросими ўтказилиб, улар билан бир пиёла чой устида дилдан суҳбат ўтказилди.

Термиз шаҳар, Галлаорол туман партия кенгаши қатор маҳалларда «ЎХДП сайловлар арафасида», «Сайловлар ва ёшлар», «ЎХДП 13 ёшда» каби мавзуларда учрашув, суҳбат ва мулоқотлар ўтказдилар.

Хоразм вилоят партия кенгаши, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Урганч шаҳар ИИБ, «Камолот» ЕИҲ шаҳар бўлими ҳамкорликда 15-сонли мактаб ва Огаҳи номидаги лицейда мулоқотлар ўтказилди. Уларнинг мавзуси Президентнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда парламентнинг янги қонун ҳужжатларини ташкир ш масалаларига бағишланди.

ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ва вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликда «Сийсий партияларда хотин-қизлар ролини ошириш — давр талаби» мавзуда тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ФУҚАРОЛИК БУРЧИГА МАСЪУЛЛИК

Тошкент вилоятининг Пискент тумани пахтакорлари билан бўлиб ўтган учрашувда шу масалага алоҳида урғу берилди

Ушбу тадбир Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Республика хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан уюштирилди. Олий Мажлисининг кўмита раислари ва ЎХДП вилоят, туман партия кенгашлари фаоллари иштирокда «Туркистон» ширкат ҳўжалиги пахта далаларида меҳнат қилаётган термичилар ва ҳашарчилар билан бўлган дилдан суҳбатлар, баҳс-мунозаралар давомида сайловлар ва фуқаролик бурчига алоҳида эътибор берилди. Чунки, сайловларнинг демократик меъёрлар асосида ўтишини таъминлаш, энг аввало фуқароларнинг фаол иштирокига боғлиқ.


Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси, Олий Мажлис депутати Машхура САФОВЕВА айнан сайловларга тайёрғарлик жараёни, унда фуқаролар, айниқса, хотин-қизлар, зиёлилар фаол иштирокининг аҳамияти хусусида гапирди.

— Бугун қишлоқларимизда зиёлиларнинг катта гуруҳи истиқомат қилади, — деди у. — Ҳуқуқчилар қишлоқ аҳлининг энг илгор қисми ҳисобланади. Бўлажак сайловларда халқ таълими ходимлари ўз сиёсий маданияти билан бошқаларга ўрнак бўлиши талаб этилади.

Ойниса МУСУРМОНОВА, Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари: — Бўлажак сайловларда ҳар биримиз ўз фуқаролик бурчимизни сийқидилдан бажарсакгина, кўзланган мақсадга етишимиз аниқ. Ўз Ватанини, халқини, фарзандларининг келажагини уйлаган инсон ана шундай йўл тутади.

Тадбир охирида илгор термичиларга совғалар топширилди.

Сўзбасдуш Салимов,
«Ўзбекистон овози» мухбири



«Пахта — 2004»

Қатор йиллар қолақлик домига тушиб қолган мавҳуд ширкат ҳўжаликлари ёппасига тугатилиб, улар неғизда фермер ҳўжаликлари ташкил этилди-ю, туманда барча соҳада иш олдинга силжиди. Қишлоқ ҳўжалигининг биргина йирик тармоғи — пахтачиликни олинг: мавҳуд 1400 та фермер ҳўжалигидан 1228 таси пахта етиштирди. Уларга 20 та муқобил МТП, 18 та нефть маҳсулотлари ва 5 та минерал ўғит шахобчаси, турли банк муассасаларининг филиаллари хизмат қўрсатмоқда. 15 минг 80 гектар ерга барақа уруғи қадаган туман деҳқонлари бу йил 32 минг 400 тонна «оқ олтин» етиштирдилар. Хомашёнинг 80 фоиздан кўпроғи биринчи навга топширилди. Даромад 8 миллиард 500 миллион сўмни чўглаб ўтди.

— Бу муваффақиятга энг аввало фермерларимиз катта ҳисса қўшдилар, — дейди туман ҳокими Шохмардон ҲУЛОМОВ. — Икки йилдирки, галлачилик ҳам, пахтачилик ҳам барақали бўлапти. Туман ижтимоий ҳаётида юз барақа эвазига келаятган даромад самарасидир. Масалан, аҳолининг турмуш фаровонлиги даражасини ошириш йўлида 400 ўринга мўлжалланган Челақ транс-

ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ — ФАОЛ САЪЙ-ҲАРАКАТ

Ёппасига фермер ҳўжаликлари айланттирилган Пайариқ тумани меҳнат жамоалари қисқа вақт ичиде илгорлар сафига чикиб олди

порт коллежи, 300 ўринли Ал-Бухорий номли қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежи, 9 та қишлоқ тиббий хизмат шахобчаси бунёд этилди. Аҳолининг 77 фоизи табиий газ билан таъминланди. Унлаб савдо-маиший хизмат шахобчалари, мактаблар, болалар боччалари ишга туширилди.

Неъмат ЖОНИҚУЛОВ, «Лочин» фермер ҳўжалиги раиси:

— Ҳўжалигимиз ўтган 2003 йилни ҳам яхши натижалар билан аяқланган. Жорий йилда эса 32 гектар ерга чигит қадаб, 60 тонна сара хомашё етиштирдик. Белгиланган режамиз 140 фоиздан ошди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 28 центнерга етди. Даромадимиз эса 15 миллион 600 минг сўм бўлишини хомчўт қилиб туришимиз. 2005 йил ҳосили — кузги галла майсаларимиз ҳозирданок бараёқ. Енлиги мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар масаласида муаммомиз йўқ. Зарур ҳолларда банклардан кредитларни ҳеч бир тўсқисиз олиб туришимиз.

... Айни шундай гапларни тумандаги

Тўхли Юнусов номдаги, «Музроб-Амин», «Дунётепа», «Кулун ота», «Адашбой бобо» фермер ҳўжаликлари етакчилари ҳам таъкидлашди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 476-сонли қарори ижроси йўлида 1228 та фермер ҳўжалигига галла ва пахта етиштириш ишлари учун 2 миллиард 600 минг сўм миқдориде имтиёзли кредит ажратдик, — дейди **АТ «Пахта банк» Челақ бўлими бошқарувчиси Баҳодир АҲМЕДОВ.** — Ҳозир 5 та минибанкимиз фаол хизмат қўрсатмоқда. Терим мавсуми иштирокчиларига 1 миллиард 197 миллион сўмдан зиёдор пул тарқатилди...

Туман пахтакорлари бу йил салкам 9 миллиард сўм даромад кутмоқдалар. Бунинг 5 миллиард 700 миллион сўми соф фойда бўлади. Демак, фермер ҳўжаликларининг иқтисодий неғизи янада мустаҳкамланади ва аҳоли турмуш фаровонлиги ошади.

(Ўз мухбиримиз)

Бутун бир миллатнинг қадриятлари топталса, йўқола бошласа, бу ўша халқнинг фожияси эмасми? Мишол қидириб узоққа бориш шарт эмас. Президент Ислам Каримов 1990 йили, СССР аталмиш қизил салтанат дунёни тахликага солиб турган паллада унинг машъум сийбасига қарши

этишга ҳам чўчиб қолдилар.
Ф ақат мустақиллик бизни ана шундай оғир, манкуртлик қисматидан сақлаб қолди. Унинг энг олий неъмат эканига биргина шу ҳолнинг ўзи аққол мисол бўла олади. Биз ўзлимизни қайтадан тиклаш, англаш ва у билан фахрла-

ўзлигини йўқ қилишга ва одамларни миллий ва диний қадриятларимизга тескари бўлган турмуш тарзига бўйсундиришга қаратилган.
Биз маънавиятимизни, айниқса, ёшларимизни бундай таъсирлардан ҳимоя қилишимиз керак. Бу ҳақда Президент Ўзбекистон Рес-

бўлмайди, мен шунга даъват қилмоқчиман.
Афсуски, ҳаётимизда миллий кийимларимизга нисбатан мустабиб тузумнинг асоратлари ҳамон кўзга ташланмоқда. Шулардан бири — бошқа халқларнинг кийимларига кўр-кўрона тақлид қилиши. Албатта, эркин демократик жамиятда ҳар ким

бир кимсалар демократия ва инсон эркинлиги байроғи остида даъват ана шундай номақбул одатларни олиб киришга ҳам уринаётгани билан мутлақо мурося қилиб бўлмайди.
Модалар юрти бўлган Франция дунёга ранг-баранг кийимларни тақлиф қилади. Лекин айни шу французларнинг аксарияти ўз миллий кийимларини кийишни афзал кўради.

Хар қандай ҳаддидан ошиш кўтбланишга, кўтбланиш эса, ўз навбатида, жамиятнинг бўлинишига сабаб бўладиган қарама-қаршиликка олиб келади. Фарзандларимизнинг кийиниш эркинлиги диний ва миллий қадриятларимизга зид бўлмаслиги лозим. Зеро, биз Шарқда яшаймиш, муқаддас ислом дини ахлоқий талабларига амал қиламиш. Чунки ота-боболаримиз ўз этиқодларида собит туришган.

римишни улуглаш каби улкан маъно бор!
Ораимизда хорижликларнинг этаги ерга тегадиган узун кўйлагини кийишдан орқилмайдиған эркаклар ҳам топилиши мумкин. Лекин биз қадриятларимизни ҳурмат қилишимиз керак эмасми? Акс ҳолда миллий кийёфамизни бутунлай йўқотиб қўямизку. Бундай ўзбошимчиликка йўл қўйишга, минг йиллар давомида, аждодлардан авлодларга ўтиб келётган қадриятларини оёқости қилишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, биз шу заминда яшаймиш, шу замин бизни оқ тараб, оқ ювган экан, шу жамият ва халқ олдида, авлодлар олдида жавобгармиш.

га бутун бошли самолётни буюртма қилиб етиб борибди. Кўзлариди ёш билан концентри кўрган, санъаткор ва рақосаларимиз билан учрашиб, миллий кийимларини сотишларини ёки истаган қимматбахо кийимга алмашишларини илтимос қилибди. Улар сабабини сўрашганида: «Фарзандларимга ўзимизнинг миллий либосларимизни кўрсатишим керак», — деб жавоб берган экан.
Мана, ўз юртига муҳаббат, она халқига эътиқод!
Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб, сайёҳлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг дегари ҳар бири энг нофид соғва, эсдалик сифатида миллий дўппиларимизни сотиб олишгаётган экан. Улар бизга, ўзбек хонадонлари файли, кут-баракали экани, ўзбек оиласидаги ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ҳеч қаерда йўқ эканини айтиб, «ўзбек маҳалласи ёқди, улараг ҳавасимиз келиб, ўзбек хонадонинида тунаб қолдик, биз бу дўппиларни, камзулчаларни эсдалик сифатида уйимизнинг тўрига олиб қўямиз, албатта, жаннатмонанд юртингизга яна келамиз», деб қайта-қайта тасдиқлашди.

МАДАНИЯТИМИЗ РАМЗИ

УНДА ХАЛҚИМИЗНИНГ МИНГ ЙИЛЛИК ТАЖРИБАСИ, НИМАЛАРГА ҚОДИРЛИГИ, ДУНЁҚАРАШИ, УРФ-ОДАТЛАРИ, ҚАДРИЯТЛАРИ, ОРЗУ-УМИДЛАРИ, ИСТЕЪДОДИ, ТАРИХИ МУЖАССАМ

чиқиб, шундай деган эди: «Халқнинг жуда бой маданиятини, ўлқанинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни ҳам истамаган бу одамлар (гап бошқа ўлкалардан Ўзбекистонга юборилган «десантчи-кадрлар» тўғрисида кетмоқда) жумҳурият ҳаётини босиб-ячиб, қингир ўзанга солишга уриндилар.

ниш имкониятига эга бўлди.
Аммо мустақилликка эришилгани ҳамма муаммолар ҳал бўлди, дегани эмас. Озодлик бизга ўтмишдан қолган оғир «мерос» ҳамда ташқаридан келётган турли маънавий-мафкуравий таҳдидларни бартараф қилиш имконияти ва ҳуқуқини берди. Коммунистик ақидапарастлик ўрнига Фарбдан келётган, миллий қадриятларимизга мутлақо ёт, моҳиятан манкуртликнинг замонавий шаклини жорий қилишга йўналтирилган «маънавий маданият» деб ном олган хатар пайдо бўлди. Турли хил ур-сур ва парнографик фильмлар, худбинлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни оёқости қилиш, космополитизм, беҳаёлик, шафқатсизлик унинг асосий белгилари ҳисобланади. Бу таҳдид ҳам, коммунистик ақидапарастлик каби халқимизнинг

публикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида шундай деган:
«Биз бошқа динлар ва элатларнинг қондаларига ҳурмат билан қараймиш, лекин мўмин-мусулмончилик, ислом дини қондаларига амал қиламиш. Кўрғони карим маъназмунини, нимадан оғохлантиради, нимага даъват қилади, қандай яшашни ўргатади, албатта, ҳаммамиз яхши биламиш. Мен ёшлардан шунини истардимки, Фарб маданиятини, демократик таомийларини билишлари керак, лекин ота-бобомиздан қолган, динимиз бизга ўқтирадиган арқонлардан, қонун-қондалардан мен ҳеч қачон чиқмаслигимизни хоҳлардим. Ўз давлатини, ўз динини сотмаган инсон ҳеч қачон кам

ўз хоҳишича кийиниш ҳуқуқига эга. Айни пайтда бу эркинлик маънавиятимиз, миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлмаслиги керак. Эркинлик деб менталитетимизга мутлақо мос келмайдиган кийимларини кийиш жамиятда носоглом муҳитни тўғдириши мумкин. Масалан, Фарбда муайян гуруҳлар норозилик байроғи остида кўчага қип-яланғоч ҳолда чиқиб, ўз талабларини қўйишга ҳаракат қилмоқда. Уят бўлса ҳам айтишга тўғри келади, бунга Фарбда омалашаётган айрим ҳурмача «одат»ларни инсончиликка батамом зид амаллар сифатида талқин қилиш мумкин. Бундай ҳолатлар мусулмончилик, шарм-ҳаё, ор-номус рўҳида тарбия топган бизнинг жамиятимизни кишиларини ларага солиши, катта норозиликларга сабаб бўлиши аниқ. Уларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассис ҳисоблаган баъзи

Кўчма-қўйма баъзан ўзбек дўпписини кийдиришга ҳаққимиз йўқ. Зеро, биз шу заминда яшаймиш, шу замин бизни оқ тараб, оқ ювган экан, шу жамият ва халқ олдида, авлодлар олдида жавобгармиш.

Кўчма-қўйма баъзан ўзбек дўпписини кийдиришга ҳаққимиз йўқ. Зеро, биз шу заминда яшаймиш, шу замин бизни оқ тараб, оқ ювган экан, шу жамият ва халқ олдида, авлодлар олдида жавобгармиш.

Ота-боболаримизнинг ишларини давом эттирадиган ёшларимизни миллий қадриятларимизга мос кийинишлари ҳақида кўп қайғураимиз. Бу ерда гап фақат кийимнинг ўзиди эмас. У муайян дунёқарашни, керак бўлса, мафкурани ифода этади. Кимдир аввал ўз кийимини кийдирадиди, сўнгра ўз қарашларини сингдирадиди.

Биз аввало ўзимизни, ўзлимизни англашга, жумладан, миллий кийимларимизни қадрласак, шундагина бошқалар ҳам бизни ҳурмат қиладиган бўлади.

Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдон оёқости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарада чеклаб қўйилди. Ҳатто, шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди. Кези келганда одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларини дафн

қилиш имкониятига эга бўлди.
Аммо мустақилликка эришилгани ҳамма муаммолар ҳал бўлди, дегани эмас. Озодлик бизга ўтмишдан қолган оғир «мерос» ҳамда ташқаридан келётган турли маънавий-мафкуравий таҳдидларни бартараф қилиш имконияти ва ҳуқуқини берди. Коммунистик ақидапарастлик ўрнига Фарбдан келётган, миллий қадриятларимизга мутлақо ёт, моҳиятан манкуртликнинг замонавий шаклини жорий қилишга йўналтирилган «маънавий маданият» деб ном олган хатар пайдо бўлди. Турли хил ур-сур ва парнографик фильмлар, худбинлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни оёқости қилиш, космополитизм, беҳаёлик, шафқатсизлик унинг асосий белгилари ҳисобланади. Бу таҳдид ҳам, коммунистик ақидапарастлик каби халқимизнинг

публикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида шундай деган:
«Биз бошқа динлар ва элатларнинг қондаларига ҳурмат билан қараймиш, лекин мўмин-мусулмончилик, ислом дини қондаларига амал қиламиш. Кўрғони карим маъназмунини, нимадан оғохлантиради, нимага даъват қилади, қандай яшашни ўргатади, албатта, ҳаммамиз яхши биламиш. Мен ёшлардан шунини истардимки, Фарб маданиятини, демократик таомийларини билишлари керак, лекин ота-бобомиздан қолган, динимиз бизга ўқтирадиган арқонлардан, қонун-қондалардан мен ҳеч қачон чиқмаслигимизни хоҳлардим. Ўз давлатини, ўз динини сотмаган инсон ҳеч қачон кам

ўз хоҳишича кийиниш ҳуқуқига эга. Айни пайтда бу эркинлик маънавиятимиз, миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлмаслиги керак. Эркинлик деб менталитетимизга мутлақо мос келмайдиган кийимларини кийиш жамиятда носоглом муҳитни тўғдириши мумкин. Масалан, Фарбда муайян гуруҳлар норозилик байроғи остида кўчага қип-яланғоч ҳолда чиқиб, ўз талабларини қўйишга ҳаракат қилмоқда. Уят бўлса ҳам айтишга тўғри келади, бунга Фарбда омалашаётган айрим ҳурмача «одат»ларни инсончиликка батамом зид амаллар сифатида талқин қилиш мумкин. Бундай ҳолатлар мусулмончилик, шарм-ҳаё, ор-номус рўҳида тарбия топган бизнинг жамиятимизни кишиларини ларага солиши, катта норозиликларга сабаб бўлиши аниқ. Уларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассис ҳисоблаган баъзи

Кўчма-қўйма баъзан ўзбек дўпписини кийдиришга ҳаққимиз йўқ. Зеро, биз шу заминда яшаймиш, шу замин бизни оқ тараб, оқ ювган экан, шу жамият ва халқ олдида, авлодлар олдида жавобгармиш.

Кўчма-қўйма баъзан ўзбек дўпписини кийдиришга ҳаққимиз йўқ. Зеро, биз шу заминда яшаймиш, шу замин бизни оқ тараб, оқ ювган экан, шу жамият ва халқ олдида, авлодлар олдида жавобгармиш.

Ота-боболаримизнинг ишларини давом эттирадиган ёшларимизни миллий қадриятларимизга мос кийинишлари ҳақида кўп қайғураимиз. Бу ерда гап фақат кийимнинг ўзиди эмас. У муайян дунёқарашни, керак бўлса, мафкурани ифода этади. Кимдир аввал ўз кийимини кийдирадиди, сўнгра ўз қарашларини сингдирадиди.

Биз аввало ўзимизни, ўзлимизни англашга, жумладан, миллий кийимларимизни қадрласак, шундагина бошқалар ҳам бизни ҳурмат қиладиган бўлади.



«ҲИЗЪ-УТ ТАҲРИР» ФАОЛЛАРИ ҲИБСА ОЛИНДИ

«Ньюс» газетасининг хабарига кўра, Покистонда ўтказилган полиция амалиёти натижасида тақиқланган «Ҳизъ-ут таҳрир» экстремистик гуруҳининг 38 фаоли қўлга олинган. Жума кўни Лаҳор, Карачи ва Равалпиндида гуруҳ тарафдорлари Ироқ халқи билан бирдамлик белгиси сифатида Америкага қарши митинглар ташкил этмоқчи бўлган пайтда Ҳибса олиш амалга оширилган.

Маълумки, Европа Иттифоқи жаҳондаги обрўли халқаро ташкилотлардан бири. Бугунги кунда унга 25 та давлат аъзо. Шундан ўнтаси шу йил аъзо бўлиб кирди. Европадаги яна учта давлат ва Туркия унга аъзоликка номзод. Бу масала энди кўриб чиқилади. Ўтган ҳафтанинг охирида Римда ташкилотнинг Конституцияси қабул қилинди. Маросимда аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этиб, улар тантанали равишда Асосий Қонунни имзолладилар. Энди уни аъзо мамлакатлар парламентлари ратификация қилишлари керак.

Шарҳ

тимойи-сиёсий йўналишдаги фракциялар мавжуд. Еврокомиссарликка номзодлар ана шу фракцияларга ҳамда Европа Иттифоқида аъзо мамлакатлар ҳукуматларига маъқул бўлишлари керак. Бўлмаса Еврокомиссия таркибини — ҳукуматни шакллантиришда инқироз юз беради. Ўтган ҳафтада Европа Иттифоқи фаолиятда биринчи марта ана шундай ҳолат кузатилди.

Шундай қилиб, Жозе Мануэль Баррозу 25 нафар еврокомиссардан иборат ҳукуматни — Еврокомиссиянинг янги таркибини шакллантиришга астойдил киришиб кетди. У ҳар бир номзодни Европа Иттифоқида аъзо мамлакатлар ҳукуматлари билан келишиб ҳамда Европарламентдаги фракциялар билан маслаҳатлашиб танлаш бошлади. Бунинг учун унинг ихтиёрида уч ой муддат бор эди. Ниҳоят, Европарламентда овоз беришга бир ҳафта қолганда барча еврокомиссарликка номзодлар маълум бўлди. Энди уларни тасдиқлатиб

бола тўғиб, фарзанд тарбиялаши керак» деган гапларни айтди. Бу-гаплардан Европарламент жунбушга келди. Бундай ҳолат Европанинг ўзида ҳам турли мунозара ва тортишувларга, эиддият ва қарама-қаршилиқларга сабаб бўлмоқда. Бизга бесоқобозлик тўғрисида ҳурматсизлик билан гапирган ва аёлнинг оиладаги ўрнини камситган еврокомиссарнинг кераги йўқ, биз унга қарши овоз берамиш, дейишди Европарламентдаги социалистлар. Уларни либераллар, коммунистлар, «яшиллар» қўллаб-қувватлашди. Европа демократияси ана шун-

бўлишлиги олдиндан маълум эди. Буни сезган ва вазиятнинг кескинлигини англаб етган Жозе Мануэль Баррозу ўтган чоршанба кўни Европарламентда депутатлардан уэр сўраб, овоз бериш жараёнини бир неча ҳафтага кечиктиришни ва ана шу даврда еврокомиссарликка айрим номзодларни қайта кўриб чиқиш ниятида эканлигини айтди. Депутатлар унинг илтимосини қарсақлар билан қутиб олишди. Энди Еврокомиссиянинг янги таркиби Европарламентда тасдиқлангунга қадар Романо Проди бошлиқ Еврокомиссарлар фаолият

— демократия учун яхши сабоқ.
Шунингдек, бу воқеага Европа Иттифоқи аъзоси бўлган айрим мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳам ўз муносабатларини билдирдилар. Жумладан, Германия канцлери Герхард Шрёдер: «Биз Европа Иттифоқи ҳукумат институтларида низолар бўлишига йўл қўймаймиз» деди. Бу ерда Италия бош вазири Берлускони тавсия этган номзод ўлмаганлигига шима қилинган. Чунки давлат ва ҳукумат раҳбарлари Европа Иттифоқининг олий органи — Европа Кенгаши аъзолари ҳисобланади. Европарламент Еврокомиссиянинг янги таркибига эътироз билдирганлигини Европа Кенгаши раёйига қарши борди, деб талқин қилиш ҳам мумкин. Бироқ Берлускони бундай фикр билдиргани йўқ. Аксинча, у Буттильонни Италияга қайтишга даъват этиб, ўз юртида Ички ишлар ва Адлия вазирлигини бошқаришни тақлиф қилган. Рокко Буттильонне католик. Шунинг учун унинг номзоди ўтмаганлиги эҳтимол католикларнинг иззат-нафисига тегиши мумкин.

ЯДРО ДАСТУРИНИ ТИКЛАШ УЧУН



Эрон парламенти мамлакат ҳукумати олдида ядро дастури бораидаги ишларни янгидан бошлаш мажбуриятини қўювчи қонунни биринчи ўқишда қабул қилди.

ЕВРОКОМИССИЯНИНГ ЯНГИ ТАРКИБИ НЕГА САЙЛАНМАДИ?

ЁКИ «ФАРБ ДЕМОКРАТИЯСИ»НИНГ БИЗ АНГЛАБ-АНГЛАМАГАН ТОМОНЛАРИ ХУСУСИДА

ўтмоқчимиз. Шу пайтгача Еврокомиссияга италиялик таниқли давлат арбоби Романо Проди раислик қилиб келди. У ўз ваколатини 2004 йил 1 ноябрь кўни янги раисга топширишга керак эди. Янги раис ўз ҳукуматини — Еврокомиссиянинг янги таркибини шакллантириш учун уч ой олдин сайланади. Белгиланган тартиб-қоидага кўра, бу сафар ҳам шундай бўлди. Португалиялик Жозе Мануэль Баррозу шу йил июль ойида яқдиллик билан Еврокомиссия раислиги эътиборини қўйди. Унга дегари жиддий қаршиликлар бўлмади. Баррозу илгари Португалияда бош вазири бўлиб ишлаган. Афтидан бу номзод Европа Иттифоқида аъзо барча мамлакатлар ҳукуматларига ҳамда Европарламент депутатларига маъқул бўлди.

олишгина қолди. Европарламент фракцияларида уч-тўрт нафар номзод юзасидан бироз мунозаралар бўлгани ҳолда бошқаларига жиддий эътирозлар бўлмади. Баррозу уч-тўрт нафар номзодга тасдиқланган айрим фикр-мулоҳазалар жиддий эмаслигини ва Еврокомиссия таркибини тасдиқлаш жараёнига дегарли таъсир қўрмаслигини эътиборга олиб, ишонч ва қатъият билан янги еврокомиссарларни Европарламент тасдиғига тақдим этди.

Ана шундай масъулиятли бир пайтда, янги овоз бериш арафасида Еврокомиссиянинг адлия, эркинлик ва хавфсизлик бўйича комиссарлигига тавсия этилган Рокко Буттильонне «огзидан гуллаб қўйди». У «гомосексуаллар гуноҳ» ҳамда «оилада аёл асосан

кўрсатиб туришди. Аксарият кузатувчиларнинг фикрича, бундай ҳолатда, яъни юз берган вазиятда Жозе Мануэль Баррозу тўғри йўл тутган. У бу билан Европарламентни жанжалли овоз бериш жараёнидан, Еврокомиссияни эса таъна-дашонлардан сақлаб қолди. Унинг ўзи муҳбирларга берган интервьюсида шундай деди: «Сибсатчи сифатида бу мен учун мағлубият эмас. Европа ҳамжамиятидаги ҳаёт қарма-қаршилиқлардан эмас, ён бошлардан иборат. Мен мулоқот қилишиман. Шунинг учун ўтган ҳафтада парламент билан мулоқот қилишга интилиб келдим. Муддатни кечиктириш зарурлиги ҳақидаги менинг қароримни барча сиёсий гуруҳларнинг раҳбарлари тўғри деб қабул қилишди. Бўлиб ўтган воқеа

Гуруҳ 1953 йилда Қуддусда тузилган. Ҳозирги пайтда у бутун жаҳон бўйлаб, шу жумладан, АКШ ва Буюк Британияда кенг шахобчага эга. Ташкилот ислом халифалигини яратиш учун курашмоқда. «Ҳизъ-ут таҳрир» Покистонда ҳукуматга қарши фаолият муносабати билан 2003 йил ноябрда тақиқланган эди, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида.

ТАХМИНЛАР ТАСДИҚЛАНМАДИ



Еврокомиссия Европа Иттифоқининг асосий ижро органи, яъни ҳукумати ҳисобланади. Еврокомиссия раиси ташкилот фаолиятини ҳар бир аъзо мамлакат ҳукумати томонидан вақил қилинган номзод — бўлғуси еврокомиссарлар ёрдамида юритади. Еврокомиссия раиси вақил қилинган номзодларни соҳалар бўйича еврокомиссарликка тавсия этади. Еврокомиссарликка тавсия этилган номзодлар Европарламент тасдиғидан ўтишлари шарт. Акс ҳолда Еврокомиссия таркиби, яъни ижро ҳокимиятининг янги таркиби ўз фаолиятини бошлаш олмади. Агар битта еврокомиссар тасдиқдан ўтмаса ҳам ҳукумат тўлиқ шаклланган ҳисобланмайди.

Европарламентда турли иж-

Интер-спорт

КАСПАРОВ — ҚОСИМЖОНОВ БИЛАН ҲИМАМАСЛИГИ МУМКИН



Россиялик гроссмейстер рейтингини бўйича кучли шохмоччи Гарри Каспаров ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжиновга баёнот билан чиқди. Жаҳон чемпионининг сўзига қараганда, агар Илюмжинов Рустам Қосимжонов билан БААДа ўтказилган қосимжоновнинг яқин орада молявий жихатдан қаролат-

лама, у бундай бахсдан кечини мумкин экан. Маълумки, бу учрашув 7-24 январь кўнлари Дубайда ўтказилиши режалаштирилган. Испанияда бўлиб ўтган шохмочт олимпиадаси кезларида ҳам Илюмжинов Каспаров — Қосимжонов учрашуви ҳақида лом-лим демаган. Каспаров эса ФИДЕ бош ассамблеясига очик хат билан мурожаат қилди. «Илгари ФИДЕ Каспаров — Руслан Пономев учрашувини барбод этган эди. Шунга ўхшаш Рустам Қосимжонов билан учрашув ҳам ана шундай яқунлашиши мумкин. Ваҳоланки, хайрли тадбирни молявий қаро-

латламай туриб, бундай учрашувга тайёргарлик қўриш кийин», — деб ёзади Гарри Каспаров. Бордию мақзуру учрашуви Дубайда ўтказилиши иложи бўлмаса, бу тадбирни Туркия шохмочт федерациясига ишониб топшириш мумкин, дейди Каспаров. Босини, туркияликлар бундай бахсга қизиқиш билдириб, мукофот жамгармасини 1 миллион доллар қилиб белгилашлари мумкин экан. Хуллас, БААДа 31 октябрь, Туркияда 10 ноябрда қадар учрашувнинг молявий жихати қаролатилмаса 13-жаҳон чемпиони бахсга киришмоқчи эмас.

БЕКХЭМНИНГ ЯНГИ ҚАРОРГОҲИ

Англия футбол терма жамоасининг сардори Дэвид Бекхэм рафиқаси Виктория билан XIX асрда бунёд этилган Герцог Вестминстерска тегишли қадимий уйни сотиб олмоқчи. Бу қароргоҳ эъза эмас, кўп эмас 10 миллион фунт стерлинг ҳисобида бахоланмоқда. Рафиқаси тақлифи билан амалга оширилаётган бу ишлар туфайли Бекхэм Чели ва Найтсбридждаги уйлари сотиб олишдан воз кечган. Энди Бекхэм актёр Рожер Мур, бастакор Эндриу Ллойд Уэббер ва артист Жоан Коллинз билан қўшни бўлади. Янги қароргоҳнинг умумий майдони 6,5 минг квадрат футга тенг. 2001 йили Бекхэм 1,25 миллион фунтга Чешир графлигига тегишли уйни олган эди. Бундан ташқари, Франциянинг ақойиб соҳилида ҳам унинг кўркам уйи бор.



ЯПОНИЯ ҚУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Япония ҳукумати Ироқда япониялик фуқаро қатл этилганига қарамасдан терроризмга қарши курашни давом эттиришини маълум қилди.

ЧОРА ҚЎРИЛАДИ



АҚШ Миллий хавфсизлик вазирлиги раҳбари Том Рикнинг фикрига кўра, айни пайтда АҚШ хавфсизлик даражаси бундан ярим йил олдинги ҳолатдан анча юқори. Рикнинг сўзларича, мамлакта терроризмга қарши етарлича тайёргарлик қўрилган. У Америка ҳукумати яқинда «Ал-Жазира» телеканални орқали чиқиб қилган террорчи Усама бин Ладенга қарши чора қўришга етарлича воситаларга эга эканлигини ҳам айтиб ўтди.

(Давоми. Бош 1-бетда.)

Майдонга йиғилганлар истиқлолнинг ҳар бир онига шукрона айтган бўлсалар, хорижлик меҳмонлар ўзбек спортининг қисқа вақт ичида жаҳонни забт эта бошлаганини эътироф этдилар.

Бугун Амир Темури хотира турнири энг нуфузли мусобақага айланди. Агар таъбир жоиз бўлса, дунёда тинчлик, қардошлиққа хизмат қилаётган ўзбек кураши соҳибқирон бобомиз қадами етмаган китъалар, эллар, миллионлаб одамлар қалбини забт этмоқда. Хозир 70 дан ортиқ давлатларда кураш федерациялари фаолият юритапти. Бу гаги мусобақаларда 40 дан ортиқ мамлакатлардан, жумладан, илк бор Уругвай, Янги Зеландия, Австрия каби давлатлардан номдор полвонлар қатнашди.

— Мен 1974 йилда Мўғлистонда самбо бўйича ўтган беллашуларда ўзбеклар орасида биринчи бўлиб жаҳон чемпиони бўлган эдим, — дея эспайди машҳур спортчи Сайфиддин Ходиев. — Истиқлол туғайли миллий курашимиз бугун жаҳон юзини кўрди. Кураш ўта жозибали, унда қўланиладиган усуллар мингдан ортиқ. Мен бошқа гапни айтмоқчиман. Хозир кўп давлатларда курашимизнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлмоқда...

Эл ардоғидаги спортчининг айтган ушбу сўзлари кўнглимизни дилда кечаётган ҳисларга ҳамоҳанг эди. Айни шу жаҳон биринчилигида ҳам турли маҳорат мактаблари талабалари майдонга чиқишди. Ёшликка хос шижоату марғурилик уйғунашиб кетган беллашуларда курашнинг ёшлар орасида кўп вақт истеъдодли вакиллари етишиб чиқаётгани яна бир бор ўз аксини топди. Айниқса, Мўғлистон, Жанубий Африка Республикаси, Греция, Эрон, Жанубий Корея каби давлатлардан келган спортчилар тайёргарлиги анча юқори эканлиги билан мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Хуллас, барча беллашулар — чорак, ярим финал бахслари кизгин таассуротлар қолдирди.

Учил болалар ўртасида 60 килограмм вазн тоифасида грециялик Реваас Зинтиридис, 66 килограмм вазнда ҳамюртимиз Шухрат Ражабов, 73 килограмм вазнда грециялик Терел Зинтиридис, 81 килограмм вазнда ҳамюртимиз Хуршид Набиев голлибик шоҳсупасига кўтарилдилар.

Кизлар ўртасида 48 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Румия Шайхиддинова, 52 килограмм вазнда мўғлистонлик Мунҳобатар Бундмава, 57 килограмм вазнда ҳамюртимиз Дилшода Хазратова-лар жаҳон чемпиони унвонига эришди. Мулук вазнда ўчил болалар ўртасида ҳамюртимиз Алишер Қиязов, кизлар ўртасида туркиялик Кучатурк Гулшанга тенг келадигани топилмади.

Алишер ҚИРЯЗОВ (Ўзбекистон): — Ёшим ўн тўққизда. 2001 йилда Тевр шаҳрида ёшлар ўрта-вазнда ўтган мусобақаларда мулук вазнда чемпион бўлгандим. Бу сарфари муваффақиятим учун устозларимдан миннатдорман.

Терел ЗИНТИРИДИС (Греция): — Мактабда ўқийман, ўн етти ёшданман. Юртингизга илк бор келишим. Бу ернинг шаҳарлари, меҳмондўст аҳолиси менга жуда ёқди. Шаҳорисабз ҳам чиройли экан. Кураш шижоаболари бизда кўп. Лекин қашқадарликларнинг курашини севишим, полвонни қадрлашим, зўрга тан беришим мени хайратта

ҳамюртимиз Дилмурод Рўзиев билан афғонистонлик Мухаммад Юсуф бел ушлашди. Маҳорат бобида ҳамюртимизнинг қўли баланд

кечди. Шундай қилиб Дилмурод Рўзиев белбоғли кураш бўйича I жаҳон чемпионати олтин медалини қўлга киритди.

Гапнинг рост, барча энг нуфузли мусобақа — Амр Темури хотира турнири бошланишини бекотат кутарди. Чунки мамлакат Президентини соврини қўйиладиган, ҳар тўрт йилда ўтказиладиган беллашу одамлар қалбидан жой олган. Биринчи турнирда Абдуқодир Пирма-тов, кейингиларда Баҳром Авазов голлиб бўлганини кўнглимиз яши эспайди. Бу мусобақада вазн ҳисоб-га олинмайди, куч, эгичлик таро-зига қўйилади. Қадимдан қудрат-ли халқ пахлавонлари ана шундай улкан йиғинларда нимага қодир-ликларини намойиш қилишган.

Бу гаги турнирда 30 дан ортиқ мамлакатнинг энг номдор, маҳорат чўққисига чиққан полвонлари



солди.

Кучатурк ГУЛШАН (Туркия): — Ўн саккиз ёшданман, муаллимлар тайёрлайдиган мактабда ўқийман. Туркияда кураш билан шуғулланувчи ёшлар кўнглимизни ташкил этади. Мен мамлакатимиз чемпиони-ман. Қардош элмиз, юртингизга ҳали кўп келаман. Улуғ полвонлар юртида ўтказиладиган кураш бўйича жажон чемпионатига жуда катта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим.

31 октябрь. Шу кун мусобақалар бўлаётган уйингоҳга томошабинлар сиймай кетди. Белбоғли кураш бўйича битта — 81 килограммга вазнда I жаҳон чемпионати байроғи кўтарилди. Юртимизда шаклланган, «фарғонача усул» ҳам деб аталадиган бу кураш турининг мухлислари жаҳоннинг бошқа давлатларида кўп экан. Россия, Мўғлистон, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг мохир курашчилари майдонга тушишди. Финалда



«КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ, ҚАРСАКЛАР ЧАЛИБ ОЛҚИШЛАНГ!»



ҳамюртимиз Дилмурод Рўзиев билан афғонистонлик Мухаммад Юсуф бел ушлашди. Маҳорат бобида ҳамюртимизнинг қўли баланд

кечди. Шундай қилиб Дилмурод Рўзиев белбоғли кураш бўйича I жаҳон чемпионати олтин медалини қўлга киритди.

Гапнинг рост, барча энг нуфузли мусобақа — Амр Темури хотира турнири бошланишини бекотат кутарди. Чунки мамлакат Президентини соврини қўйиладиган, ҳар тўрт йилда ўтказиладиган беллашу одамлар қалбидан жой олган. Биринчи турнирда Абдуқодир Пирма-тов, кейингиларда Баҳром Авазов голлиб бўлганини кўнглимиз яши эспайди. Бу мусобақада вазн ҳисоб-га олинмайди, куч, эгичлик таро-зига қўйилади. Қадимдан қудрат-ли халқ пахлавонлари ана шундай улкан йиғинларда нимага қодир-ликларини намойиш қилишган.

Бу гаги турнирда 30 дан ортиқ мамлакатнинг энг номдор, маҳорат чўққисига чиққан полвонлари

куч синашди. Томошабинларнинг олқишини олганлар кўп бўлди. Полшалик ажойиб спорт устаси Павел Малованскининг маҳоратидан хайратга тушмай илож йўқ эди. Энг чиройли, шиддатли кураш усуллари бразилиялик Карлос Хонарато намойиш қилди. У дэюдо бўйича жаҳон чемпиони корейлик Жун Сунгни севишли усули — елкадан кўтариб ташлаш орқали қисқа дақиқаларда энгди. Эронлик мохир спортчи Саид Хусрав Нежеди ҳам маълумиятга учради, финалга йўл олди.

совринини қўлга киритиш учун яна бир бор уришиб кўраман... Нихоят, сабрсизлик билан қўтилган оилар етиб келди. Финалда Карлос Хонарато ва Абдулла Тангриев! Дунёнинг энг доврқли икки полвони бел ушлашди. Карлос қаққон, шиддатли эди. Бирок юртимизнинг қудратли полвонларидан бўлган Абдулла куч ва маҳорат бобида устунлик қилди. Шундай қилиб, Президент соврини — Ўн минг АКШ доллари Абдулла Тангриевга топширилди. Карлос Хонарато иккинчи ўринни эгаллади.

Эронлик Саид Хусрав Нежед ва яна бир ҳамюртимиз Рамазиддин Саидовларга ҳам совринлар топширилди.

— Мен шу азиз юрт фарзанди, унинг полвони бўлганидан, бугунги галабадан фарланаман. Хали халқимиз олдига қарзим кўп. Нуфузли майдонлардаги курашлардан катта галабалар билан қайтишим кераклигини ўзим ҳам англаб етдим, — деди бизга Абдулла Тангриев.

Мусобақадан сўнг вилоят хрими Н.Зайниев Қашқадарнинг Гузал маскани ҳисобланган Мингчордаги янги меҳмонхонада хорижлик спортчи, мураббий, мутахассис ва голлибларни қабул қилди. Барча иштирокчиларга эсдалик совгалари топширилди.

Меҳмонлардан бири мусобақалар юксак савияда ташкил этилганини таъкидлаб, миннатдорлик билдираркан, сўзининг охирида «Яшасин, кураш!» дея қичқирди. Барча ўриндан туриб уни қўллаб, «Яшасин кураш, Яшасин кураш!» дея хайқилди. Бу сўзлар чин ордан айтилаётгани, бу манзара турнирнинг энг ҳаёжонли, энг эсда қолари лаҳзаларидан эди.

Шу ўринда яна бир гап: стадионда беллашуларни шарҳлаб турган Аъзамхон полвон курашнинг бугунги доврғи ҳақида гапираркан, томошабинларга қарата ҳаёжон ва фохр билан «Кўринг, ҳавас қилинг, қарсаклар билан олқишланг!» деган сўзларни айтди. Дарҳақиқат, ёшлар майдондаги полвонларга ўхшашни ҳавас қилди, ҳар бир ота-она ўз фарзанди уларга ўхшашини оруз қилади. Ҳар бир ватандошимиз эса дунё майдонларида курашимизни фохр билан олқишлайди!

Юнус ҲУСҚОВ, Фаррух ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Суратларда: мусобақадан лаҳзалар.

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

Мулоҳаза

ЭЗГУЛИК ЭҲТИЁЖИ

Мамлакат тараққиётига, буюк келажакка халқ маънавиятини юксалтирмасдан туриб эришиб бўлмаслиги исбот талаб этилмайди-ган ҳақиқатдир. Шу сабабли ҳозирги кунда ёш авлодни ҳар томонлама билимдон, кенг қамровли дунёқарашга эга баркамол инсон бўлиб шакллантиришда китоб, газета ва журналларнинг ўрни катта эканлиги жаҳон ва ўз таърибамизда синовдан ўтган.

Тез суръатлар билан ўзгараётган замон ношир ва матбаачилар олдида ҳам муҳим вазифалар қўйди. Ҳуқуқи эҳтиёжидан келиб чиқиб мазмундор, янгича дизайн асосида безатилган китоблар чоп этишини даврнинг ўзи талаб этмоқда. Республикаимиз иктисодиётида бозор муносабатларининг қарор топиши туғайли амалга оширилаётган кенг қамровли илохотлар нашриёт ва матбаачилик корхоналарига ҳам бевосита тааллуқли. Чунки бозор иктисодиёти ривожланиши натижасида аҳолининг нашр маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари доимо ўсиб бораверади.

Бу эса ўз навбатида нашриёт ва матбаа соҳасида замонавий маркетинг концепцияларига асосланган бошқарув тизимини шакллантириш, бозор талабларига мос бўлиmalarни ташкил этиш заруратини туғдиради.

Ҳозирги кунда республикамизда ўртача 2 мингта яқин китоб, 167 журнал, 608 номда газеталар чоп этилмоқда. Лекин мазкур нашр маҳсулотларини сотишдаги муаммоларнинг ҳал қилинаётганлиги нашриёт ва матбаачилик соҳасининг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кун нашриёт ва матбаа корхоналаридан ўз фаолиятларини истеъмолчиларнинг талаб ва тақлифлари асосида қайта қуриш ҳамда эгичлик бошқарув тизимига эга бўлишни тақозо этмоқда. Махсулот ишлаб чиқарувчиларнинг асосий мақсади — уни сотиб фойда олиш билан бирга, истеъмол бозорини тўлдириш ва бу бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаб, истеъмолчилар доирасини кенгайтиришдир. Бунинг учун эса ноширлик ва матбаа корхоналари маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, бозор талабини аниқ тасаввур этиш ва китоблар сифатини жаҳон андозларига мослаштириш ҳамда реклама хизматини йўлга қўйиш каби бир қанча ишларни амалга оширишлари зарур.

Замонавий маркетинг хизматлари орқали хариддорларнинг тўлов қобилиятини таҳлил қилиш, республикамиздаги нашриёт ва матбаа корхоналари томонидан чиқарилаётган нашр маҳсулотларини, қолаверса, махсулот сифатига бўлган талабни ўрганиш — ноширлик соҳасини ривожлантиришнинг асосий мезонидир.

Мустақилликка эришган, мамлакатимизда барча соҳалар каби матбуот тизими ҳам бозор муносабатлари учун мустаҳкам замин ҳозирловчи тўв илохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, матбуот ва ахборот соҳасининг тақомиллаштирилиши биринчи навбатда уни молиявий жиҳатдан таъминлашга боғлиқ эканлиги ҳисобга олиниб, ушбу соҳани рақобат муҳитига мослаштиришга кўпроқ эътибор қаратила бошланди.

Бундан ташқари, қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида», «Ноширлик фаолияти тўғрисида» қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республикада китоб савдоси тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳада рақобат муҳитини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди.

Ушбу йўналишдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, унинг бошқарма ва бўлимлари ҳамда тизимдаги нашриётлар, матбаа корхоналари ва китоб савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини, уларнинг вазифалари, асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳамда мамлакат ҳаётидаги роли, рақобатбардошлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш катта аҳамиятга эга. Чунки, ноширлик фаолиятини шакллантиришнинг бири қатор на-зарий ва амалий муаммолари бўйича тегишли тадқиқотларнинг олиб борилмагани истеъмолчининг ноширлик маҳсулотларига бўлган талабини ўрганишда ўзига хос қийинчиликларни туғдиради. Бу эса соҳада маркетинг ривожлантиришда, қолаверса, яна бир қатор масалаларда муайян изланишларга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Шу ўринда айтиш жоизки, китоб нашр қилиш ва уларни сотишни ташкил қилишда ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бугунги китобхон бундан ўн-ўн беш йил олдинги китобхон эмас. Унинг талабини, дунёқарашини, мақсад ва интилиши батамом ўзгача. Эндиликда китобхон учун маълумот олишнинг китобдан-да тезкор бўлган манбалари мавжуд. Хусусан, кўнглимиз бугунги кунда зарур маълумотни олиш учун интернетга мурожаат этади. Шу боис босма махсулот чиқаришда ўқувчи талабини ўрганиш, китобларнинг бадиий савияси ва замонавий дизайн асосида безатилишига эришиш соҳанинг истиқбол-лини таъминлайди. Шундагина нашриётлар кучли бозор рақобати шароитида ўзларининг фаолиятига мос муҳит ярата оладилар.

Тараққиёт кўтиб турмайди. Китоблар эса нафақат тарбия ва тафаккур воситаси, балки инсоннинг эзгуликка бўлган эҳтиёжини қондирувчи муҳим заруратдир. Ушбу ҳаётини эҳтиёжини қондириш эса бугун нашр этилаётган китобларнинг савиясига, ўқувчининг маънавий оламига таъсир эта олишига боғлиқ.

Маъжуда АҚРАМОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Олий бизнес мактаби» тинловчиси



СУВНИ КЎРМАЙ, ЭТИК ЕЧМА

Бу — қадимий мақолларимиздан бири бўлиб, уни XI асрнинг машҳур олим, тилшунос Маҳмуд Қошғарий шундай изоҳлаган: «... Бу ма-

қол ишларда мулоҳазали бўлишга ундалган кишиларга нисбатан қўлланади». Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда ҳам мазкур мақолни: «Ҳар бир ишни аниқ-равшан билмай туриб, унга уринма, қадам қўйма. Ҳар бир соҳада мулоҳаза билан, пухта ўйланган ҳолда иш тут», деган маъно-да насихат қилганларидея айтадилар.

ҳалок бўлиб, 712 нафар фуқаро эса куйиб тан жароҳатини олди. Бундай фожияларга йўл қўймалик учун ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнғинларнинг олдини олиш ишларига ўзини ўзи бошқариш органлари, махалла фаоллари, корхоналардаги ишчи-хизматчиларни янада кўпроқ жалб қилишга катта эътибор бермоқда.

Аҳоли кўп йиғиладиган масканларда ёнғин учиретиш техникалари намойиш этилиб, мактаблар ва бошқа ўқув масканларида, махаллаларда учрашувлар ва сўхбатлар ташкил этиляпти. Агар фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қондалари-га ҳар доим амал қилишса, ўзларини ва ўзгаларни бахтсиз ҳодисалар, фожиялардан асраб қолишди.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«01» хизмати

Халқда ўт балосидан сақла-син, олов — тилсиз ёв, деган гаплар бор. Сабаби олов ҳўлу кудурки, тириж жонни шафқат-сиз домига тортиб, бир зумда йўқ қилади.

Ўт ўчирувчиларимиз ана шу тилсиз ёвга қарши энг замонавий ўт ўчириш воситалари билан қуролланган ҳолда мардлик ва жасурилик намуна-ларини кўрсатиб, кураш олиб боришмоқда.

Бугунги кунда барча халқ ҳўжаллиги масканлари, ишлаб чиқариш корхоналаридан тортиб аҳоли яшаш жойларигача республика ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг доимий назоратида. Шунинг билан таъкидлаш керакики, ёнғин хавф-сизлиги хизмати кучли моддий техника базасига эга.

Ёнғиннинг олдини олиш иш-

ларини янада тақомиллашти-риш мақсадида аҳоли яшаш жойлари, стратегик аҳамиятга эга бўлган объектларда самар-ли профилактик ишларни ташкил этишга катта эътибор берилляпти. Иктисодиётга кат-тар зарар келтирадиган ёнғин-

марасини бермоқда. Республи-камиз ҳудудида ёнғинлар сон-и камайиб бормоқда. Масалан, 1999 йилда содир бўлган ёнғинлар 17495 тани ташкил этган бўлса беш йил давомида ёнғинлар 1859 тага камайган-лигини (2003 йилда 15639 та

жоиз деб билдик. 2004 йил 10 октябрь кун-и соат 22.50ларда Тошкент ша-ҳар ИИББ ЕХБ марказий дис-петчерлик хизмати томонидан Миробод тумани Олтинкўл 2-тор кўчаси 115-ўйда жойлаш-ган «Тошкентгўштсавдо»

Ҳамза; Бектемир ва Юнусобод туманларининг ёнғин хавфсиз-лиги бўлимининг жанговар экипажлари ҳам тезлик билан воқеа жойига етиб боришди. Қора тутун ниҳоятда кўчқлиги туғайли ҳатто ярим метр на-ридаги нарсани ҳам кўриб

ёрдам кўрсатилиб, тез ёрдам орқали касалхонага жўнатилди. Аммо қўрилган барча чоралар-га қарамастан Суннатилла Ка-римжонов касалхонага етмас-дан бевақт ҳаётдан кўз юмди. Ёнғинга қарши курашиш доим долзарб вазифа санал-

ган. Афсуски, кенг қамровли профилактик ишларга қарамай, ҳамон фуқаролар лоқайдликла-ри оқибатида ёнғинлар содир бўлмоқда. Жумладан, шу йил-нинг ўтган даври мобайнида республикамизда 10610 та ёнғин содир бўлиб, у келтир-ган моддий зарар 601 млн. сўмдан ортиқдир. Ёнғинлар на-тижасида 109 нафар инсон

ЛОҚАЙДЛИК КУЛФАТ КЕЛТИРАДИ

ЁКИ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ИШЛАРИ ҲАҚИДА

ларга сабаб бўладиган ҳолат-ларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартафат этишда дав-лат бошқарув идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Фавқулодда вазият-лар вазирлигининг авария-кут-қарув хизматлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идоралари билан самарали ҳамкорлик ташкил этилгани ўзининг са-

ёнғин) кўрамади. Бу рақамлар ортида ёнғинни ўчириш ходимларининг машақ-қатли меҳнати, ўз бурчиларига садоқати ва жасурлигини кўри-ши мумкин. Шу ўринда олов билан олишиб, инсонларни ҳаёти ва мол-мулкни сақлаб қолишда қарамонлик кўрсатиб ҳаётдан эрта кўз юмган бир ин-сон ҳақида тўхталиб ўтишни

ОАЖ 3-омборининг 31-музла-тич камерасида ёнғин чиққа-ни тўғрисида хабар олинди. Ушбу ёнғинни бартафат этиш-га Тошкент шаҳар Яққасарой туманининг ёнғиндан муҳофа-за қилувчи 21-ҳарбийлашти-рилган ёнғин хавфсизлиги қис-мининг 2-жанговар бўлими эса ҳам ёрдамга чиққан эди. Шу-нингдек, Яққасарой, Миробод,

бўлмасди. Ўт ўчирувчилар икки кеча-кундуз ёнғинга қарши ку-рашдилар. Мард ва жасур ўт ўчирувчилар орасида Яққасарой туманининг ёнғиндан му-ҳофаза қилувчи 21-ёнғин хав-фсизлиги қисмининг ўт ўчи-рувчиси Суннатилла Каримжонов хизмат вазифасини ўташ жа-раёнида оғир жароҳат олди. Унга зудлик билан биринчи

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
Tahrir Hay'ati:
Abdulla Oripov Asliddin Rustamov Ashur Qodirov Bobir Alimov Habib Sa'dulla Norbobo Shakarov (Bosh muharrir o'rinbosari) Alimqul Sultonov (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey Orlov (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona») Nomoz Sa'dullayev To'lepbergen Qaipbergenov Muslihdin Muhiddinov Olim Murodov Abdug'ani Mamasodiqov (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'zbekiston xalq demokratik partiyasi Markazi Kengashi
BO' LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqitsodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-76-21 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. Г — 159
7259 nusxada bosildi t — Tixorat materiali
O'za yakuni — 21.00. Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda